



## ЛЕКСЕМАНИНГ СИНОНИМИГА ИШОРАСИ ОРҚАЛИ ПРЕСУППОЗИЦИЯНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Махмудов Шухрат Абдулазизович

Наманган давлат университети илмий изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5558741>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 01-oktabr 2021  
Ma'qullandi: 05-oktabr 2021  
Chop etildi: 10-oktabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

синонимлар, дўмбоқ,  
келишган, синонимик  
муносабат, контекст,  
нутқ вазият.

### ANNOTATSIYA

*мақолада лексик сатх бирлиги ҳисобланадиган синонимларнинг бизга қадар ўрганилган томони ва ўрганилмаган томони ҳисобланмиши прагматик хусусиятига алоҳида тўхталиб, пресуппозиция ифодалаш жихатида диққатни қаратилган.*

Тилшуносликда турли тилларда лексик синонимларни ўрганишга қаратилган ишлар ниҳоятда кўп. Ўзбек тилшунослигида ҳам лексик синонимлар, уларнинг ҳосил бўлиши, турлари, услубий хусусиятлари кенг ўрганилган, синоним сўзларнинг изоҳли луғатлари яратилган.<sup>1</sup> Кейинги йилларда тилшунослигимизда синонимларнинг контекст, нутқ вазияти билан боғлиқ ҳолда юзага чиқувчи прагматик хусусиятларини ўрганишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.<sup>2</sup> Синонимлар прагматикаси тадқиқи доирасида уларнинг пресуппозиция ифодаланиши масаласини ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

А.Ҳожиев синонимларга қуйидагича таъриф берган: “Синонимлар – талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил (умумий) бўлган, қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир”.<sup>3</sup>

Синоним сўзларнинг, таърифда қайд этилганидек, бирлаштирувчи маънога эгаллиги уларнинг ўзаро яқин алоқасини юзага келтиради. Бу ҳолат бундай лексемаларнинг инсон хотирасида бир-бирини ёдга туширишига сабаб бўлади. Д.Лутфуллаева бу ҳақида фикр юритар экан, қуйидагиларни баён қилади: “Тилда лексемаларнинг семантик

<sup>1</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 307 б.

<sup>2</sup> Раҳимов У. Прагматик синонимия // <http://library.ziyonet.uz/uz/book/57302>

<sup>3</sup> Ҳожев А. Кўрсатилган луғат. – Б. 3.



белгисига кўра ўзаро алоқаси ранг-баранг ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Жумладан, синонимик муносабатдаги лексик бирликларнинг ўзаро семантик алоқаси инсон хотирасида уларнинг бир-бирини ёдга солиши ва ассоциатив боғланишига сабаб бўлади. Масалан, ўқитувчи – муаллим, чиройли – гўзал, ақлли – доно ассоциатив жуфтликлари синонимик муносабат асосида ҳосил бўлади”<sup>4</sup>

Дарҳақиқат, синоним лексемалар нутқда қўлланар экан, бевосита маънодошини хотирада тиклайди. Бундай вазиятда гапда ушбу лексеманинг синонимига ишора қилувчи пресуппозиция ифодаланади. Масалан, **Кирим** кетгунча ўз-ўзимни ишқалаб чўмилдим (Ғ.Фулом. “Шум бола”) гапида кир лексемасининг синоними билан боғлиқ ҳолда “Ифлос эдим” пресуппозицияси ифодаланади. Тавба, бундай устомонни кўрган эмасман (Ойбек) гапидан эса “У жуда муғомбир экан” пресуппозицияси англашилади.

Қуйида мисолларда белги билдирувчи лексемаларнинг синоними орқали гапда пресуппозиция тикланади: ... Куёв томондан **ориқ, дароз, чайир** бир хотин бел боғлади. (Ойбек. Танланган асарлар); Кўзимни очсам уй **зимистон...** (Т.Мурод. “От кишнаган оқшом”)

Биринчи гапда қўлланган **ориқ** лексемаси орқали “Куёв томонидан бел боғлаган хотин озгин”; дароз лексемасининг ишораси асосида “Куёв томонидан бел боғлаган хотин новча”; чайир лексемаси орқали эса “Куёв

томонидан бел боғлаган хотин бақувват” пресуппозициялари англашилади.

Кейинги гапда эса зимистон лексемаси орқали “Уй қоронғи эди” пресуппозицияси ифодаланади.

Қуйида мисолларда ҳаракат билдирувчи лексемаларнинг синоними орқали гапда пресуппозиция ифодаланган: У билан **ғижиллашиб қолдим.** (Сўзл.) (У билан жанжаллашдим); Аввал-аввал уятдан қулоқларимгача **ловуллаб** ёндим. (Т.Мурод. “От кишнаган оқшом”) (Уятдан қулоқларим қизарди)

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, лексеманинг синонимик хусусияти орқали ҳам гапда муайян пресуппозицияга йўл очилади. Аммо бу барча синоним лексемаларга бирдай хос хусусият эмас. Пресуппозициянинг ифодаланиши, асосан, услубий бўёқдор синонимларда кузатилади. Қуйидаги гапларда қўлланган синонимларни қиёслаймиз:

1. Ахир мен **дўмбоққина** йигитча эдим-ку.. (Х.Тўхтабоев. “Ширин қовунлар мамлакати”) (Мен семиз эдим)

Ахир мен **семизгина** йигитча эдим-ку..

2. Қиз жуда **келишган** эди. (Қиз чиройли)

Қиз жуда **чиройли.**

3. – **Chiningni** айт, – dedim. (Т.Мурод. “От кишнаган оқшом”) (Рост гапир)

– **Рост** гапир.

Берилган мисолларда қўлланган дўмбоқ, келишган, чин лексемалари сўзлашув услубига хос бўлиб, нутқда

<sup>4</sup> Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси – Тошкент: “MERIYUS”, 2017. – Б. 40 б. (- 140 б.)



улар орқали нейтрал белгили синонимларига ишора кузатилади. Демак, синонимик бирликларнинг пресуппозицияга ишорасида уларнинг қайси услубга хослиги, маъно қирралари муҳим ўрин тутди.

Кўринадики, синонимик бирликлар таҳлилида улар орқали гапда ифодаланувчи пресуппозицияга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Синонимлар пресуппозицияси ҳисобига гап нафақат мазмунан мураккаблашади, балки коннотатив хусусиятга ҳам эга бўлади.

Хуллас, лексик бирликларнинг синонимик муносабати орқали гапда

муайян пресуппозицияга ишора кузатилади. Бундай пресуппозициянинг тингловчига тушунарли бўлишида контекст, нутқ вазияти, мулоқот иштирокчиларининг тил билимлари, яъни гапда қўлланган лексеманинг маъносини билиши муҳим аҳамиятга эга. Мулоқот иштирокчилари гапда қўлланган пресуппозицияга ишора қилувчи лексик бирликларнинг маъносини билишмаса, гапнинг мазмунини аниқ идрок этмайдилар. Шу боис тилдан фойдаланувчилар пресуппозицияга ишора қилувчи лексик бирликлари ҳақидаги муайян назарий билимга эга бўлишлари лозим бўлади.

### References:

1. Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси – Тошкент: “MERIYUS”, 2017.
2. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974.
3. Раҳимов У. Лисоний пресуппозиция // А.Ғулом ва ўзбек тилшунослиги: Илм. ишлар тўп. – Тошкент. 2004.
4. Миртожиев М., Тоҳиров З. Сўз маъносининг бўёғи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980.
5. Раҳимов У. Прагматик синонимия // <http://library.ziyonet.uz/uz/book/57302>
6. Раҳимов У. Тагмаъно ва пресуппозиция // Ўзбек тил ва адабиёти. – Тошкент. 2005. – №5.
7. Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
8. Самойлова И.В. Смысл высказывания как совокупность пропозиционального и пресуппозиционального значений // Формальный и содержательный аспекты предложения в германских языках. – Горький. 1988.